Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 10 апрель, чоршанба • № 28 (10.803) • Эркин нархда сотилади

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 апрель куни Европа Иттифоқи Комиссияси (ЕИК) комиссари Ханс Ван Ден Брук раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз билан Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқалар муттасил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Бу ҳамкорлик алоқаларининг тараққий топишида, тайёрланишида жаноб Ханс Ван Ден Брук катта ҳисса қўшган ва Европа Иттифоқи Комиссияси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон ҳақидаги ахборот янги босқични бошлаб берганини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари меҳмонларга сўнгги йилларда мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида, иқтисодий юксалиши йўлида, демократик жамият ҳуқуқий асосларини яратиш борасида катта ўзгаришлар рўй берганини қайд этди. Бу ижобий ўзгаришлар нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари, хорижлик мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

— Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ва ЕИК билан ҳамкорлиги унинг Европа мамлакатлари билан мустаҳкам интеграциялашувига кўмаклашади ва бу халқимиз манфаатларига мосдир, — деди, жумладан, Ислом Каримов.

Жаноб Ханс Ван Ден Брук Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида жиддий ўсишга эришганини ва мамлакатимиз Европа Иттифоқининг муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорига айланганини қайд этди. Европа Иттифоқи Комиссияси Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш юзасидан музокаралар ижобий якун топса, алоқаларнинг янада ривожланиши ва кенгайиши учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилишини айтди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси С. Сафоев, республика Бош вазири ўринбосари С. Саидқосимов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

## МАВСУМГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК ЗАРУР

Шу йил 6 апрель куни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида бошоқли дон экинларини йиғиб олиш мавсумига тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди. Йиғилишда вазирликлар, корпорация, концерн ва уюшмалар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари ўринбосарлари қатнашди.

Йиғилишда ғаллани ўриб-йиғиб берадиган техника воситалари ва қабул қилиш пунктларини янги мавсумга ҳозирлаш, бошоқли дон экинларини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ташкил этишни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг бу борадаги ахбороти тингланди.

Республикамизда ғалла мустақиллигига эришиш йўлида катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жумладан, бошоқли дон экинлари майдони кенгайтирилиб, илғор техника ва технологиялар қўлланилиши натижасида йилдан-йилга мўл ҳосил олинаётир. Етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай, ўз вақтида ўриб-йиғиб олишда техника кучи — комбайн ва бошқа транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш ниҳоятда муҳимдир. Йиғилишда ғалла йиғиштириб берадиган техника воситаларини мавсумга шайлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифа экани алоҳида таъкидланди. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё ва бошқа вилоятларнинг айрим жамоа хўжаликларида бу борада сусткашликка йўл қўйилаётгани танқид қилинди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди, мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Гиниятуллин иштирок этди.

(ЎзА).

Вилоятимиз далаларида чигит экиш авж олиб кетди



## БАРАКА УРУҒИ

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА, экин-тикинда ҳар бир кундан, вақтдан ютган, албатта, яхши самарага эришади, хирмони баракали бўлади. Сал бўлсада кечиккан эса кўпни йўқотади. Ота-боболаримиз зироатчиликда ҳамиша ана шу оддий ҳақиқатга амал қилиб келганлар ва мақсадга эришганлар. Пахтачиликда ҳам худди шундай. Кўп йиллик тажрибалар, кузатишлардан шу нарса маълумки, агарда чигит экиш апрель ойининг биринчи ўн кунлигида якунланса ва уруғлик бир текис ундириб олиниб, кўчатлар бутланса, парвариш ишлари кўнгилдагидек олиб борилса, мўлжалдаги ҳосилнигина олиб қолмай, ҳатто, ундан ҳам ошириб юбориш мумкин.

Лекин, об-ҳавонинг анча салқин келиши пахтакорларнинг қўлини бироз ушлаб турди. Аммо «ушланиш»нинг ҳам чегараси, меъёри бўлади. Баҳор баҳорлигини қилади. Кунларнинг бирданига исиб, ҳавонинг жўнашиб кетиши ҳеч гап эмас. Қолаверса, деҳқончиликда баъзан таваккалчилик ҳам зарур. Ана шуни ҳисобга олган, доимо етти ўлчаб, бир кесишни одат қилиб олган деҳқонларимиз, пахтакорлар танлаб чигит экишни бундан уч кун бурун бошлаган эдилар. Айни пайтда бу муҳим агротехник тадбир ҳамма ерда авж олдириб юборилди.

Ерларнинг ўтган йил кузида шудгор қилиб қўйилганлиги, мавжуд техникалар ҳисоб-китоб қилиниб, мавсумга созлаш тадбирлари амалга оширилганлиги, экиш экипажлари шай турганлиги учун ҳам дастлабки кунданоқ иш анча жадал борди. Экишни биринчилар қаторида бошлаган Оққўрғон, Пискент, Янгийўл, Чиноз, Бекобод туманларидан сўнг бошқа туманларда ҳам бу иш кундан-кунга авж олдирилмоқда. Ўтган куни далаларда 151 та сеялка ишлади. Ҳар бир сеялка билан ўртача 4,5 гектар ерга чигит экилди. Бошланиши чакки эмас.

Уруғликнинг ернинг табиий намига бир текис униб чиқиши, сўнгра ҳар гектар майдонда мўлжалдаги кўчатларнинг таъмин этилиши, табиийки, ернинг унумдорлиги, тозалигига ҳам боғлиқ. Ишнинг кўзини билганлар деҳқончиликнинг бу жиҳатига ҳам катта эътибор бераётирлар. Экиш билан бир йўла даланинг ҳолатига қараб, ерга ўғит солиниб, бегона ўтга қарши гербицидлар сепиб кетилаётир. Қисқаси, пахтакорлар хирмоннинг салмоқли бўлиши учун айни кунда қандай тадбирни амалга ошириш керак бўлса, уни бекаму-кўст бажариш ҳаракатидадирлар.

Вақтдан, техникадан омилкорлик билан фойдаланаётган, ўз маҳоратларини ишга солаётган механизаторлар экишда, айниқса, яхши натижага эришмоқдалар. Бу жиҳатдан бекободликлардан ўрнак олса арзийди. Улар ўтган йиллардаги камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб олган кўринадилар. Бу туманда ҳар куни 90 га яқин экиш механизми ишлатилмоқда. Битта сеялка билан кунига 7,1 гектар майдонга чигит экилаётир.

Юқоричирчиқ тумани пахтакорлари ҳам кунлик суръатда бўш келмаётирлар. Ўтган шанба куни тумандаги пахта далаларида 117 сеялка ишлади. Ҳарбир сялка билан 5,5-6 гектар майдонга чигит экилди. Айниқса, «Ийкота», Аҳмад Яссавий номли, «Юқоричирчиқ» жамоа хўжаликлари экишда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Дастлабки натижалар, суръатлар вилоятимиз деҳқонлари 108 минг гектар майдондан бу йил 280 минг тонна хирмон кўтаришга астойдил азму-қарор қилганликларини кўрсатиб турипти. Экишни ўз вақтида тугаллаб, чигитни тўлиқ ундириб олиш мақсадга эришишда қўйиладиган дадил қадам бўлади, дейишмоқда деҳқонлар. Шунинг учун ҳам биз бу ишни узоғи билан 15 апрелгача тугаллашга аҳд қилганмиз...

Яхши ният, яхши аҳд ҳамиша меҳнаткашга, шунингдек, деҳқонга ҳам йўлдош ва мададкор бўлиб келган. Бу йил ҳам шундай бўлмоқда. Биз ишонамизки, пахтакорларимиз мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратишга ана шу йўлдош, ана шу мададдан оқилона фойдаланадилар.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, ҳабарлар, янгиликлар

## АМИР ТЕМУР ВА ЗАМОН

***МАЪЛУМКИ, куни кеча буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кунга 660 йил тўлди. Республикамиз Президенти фармонига биноан 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан бу сана арафасида ва ундан кейин ҳам қатор илмий анжуманлар, учрашувлар,кўргазмалар, турли тадбирлар ташкил этилмоқда.***

Куни кеча Тошкент давлат аграр университетида «Амир Темур ва замон» мавзусига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда кўпгина олимлар, хорижлик меҳмонлар, талабалар иштирок этишиб, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган қатор маърузаларни тингладилар. Жумладан, профессорлар А. Абдуллаев, Н. Норбоев, С. Раҳимов, И. Каримов, И. Хўжамуродов, доцентлар Б. Худоёров, Р. Жалолов, М. Раҳмонова кабилар Амир Темур ҳаётининг турли даврлари ва қирраларига бағишланган қизиқарли маълумотларни баён қилиб бердилар. Мазкур конференция арафасида «Соҳибқирон Амир Темур ва замон» мавзусида чоп этилган рисола ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Амир Темурнинг ташқи сиёсати ва Оврупо давлатлари билан дипломатик алоқалари, саркардалик салоҳияти, давлат иқтисодиёти, сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари, ўз даври олимлари билан мулоқотларига доир масалалар ҳозирги замон нуқтаи назаридан ёритиб берилди.

Мозий ва ўтган давр узвийлигига бағишланган маърузалар давлатчилик борасидаги назарий тушунчаларни мустаҳкамлади. Зеро, айни кунларда Ўзбекистон Республикасини 160 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг тан олганлиги, Ўзбекистон билан уларнинг кўпчилиги дипломатик алоқалар ўрнатганлиги, республикамиз раҳбариятининг амалга ошираётган ислоҳотлари мамлакатимиз миллий манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганлигидан, буларнинг барчаси XXI асрга йўналтирилган самарали сиёсат эканлигидан далолат бериб турипти.

**Абдураҳим УМАРБЕКОВ.**

## УЗОҒИНГИЗНИ ЯҚИН ҚИЛАДИ

***Тошкентда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон республикалари йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Кенгаш ишида Ўзбекистон автомобиль транспорти корпорацияси бошқаруви Раисининг муовини М. Алиев, Қозоғистон Республикаси транспорт вазирлиги департаменти директори А. Логунов, Қирғизистон Республикаси транспорт вазирининг ўринбосари К. Куюнов ахборотлари тингланди.

Шунингдек йиғилишда Тошкент вилояти йўловчи ташиш транспорт концерни бошқармаси раиси Қ. Сиддиқназаров, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон вакиллари сўзга чиқиб, тўрт мамлакат, шу жумладан, Тошкент вилояти билан қўшни шаҳарлар ва вилоятлар ўртасида қўшимча йўналишлар бўйича автобус қатновларини йўлга қўйиш, янги автобекатлар қуриш, эҳтиёт қисмлар айрибошлашга келишиб олдилар.

**Юнус ЗИЁДОВ.**

Фармон ва ижро

## ШАРТНОМА – ИККИ ТОМОН МАНФААТИ ДЕМАКДИР

***Президентимизнинг «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони шубҳасиз корхоналар, жамоа хўжаликлари ўртасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга тўланадиган маблағ ҳаракатларини тезлаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Тузилаётган шартномаларга ишонч ортди.***

***Эндиликда маҳсулотга олдиндан аванс тариқасида маълум фоизлар ҳисобида ўтказиш қатъий талаб қилиб қўйилди. Бу эса, хусусан, жамоа хўжаликлари молиявий фаолиятида рўй бераётган муаммоларни ҳал этишга кенг имкон яратди. Юқоричирчиқ туманидаги бир қатор хўжалик, корхоналар раҳбарларининг фикрлари бунинг яққол далилидир.***

### Масъулиятимиз ортди

**Маъруф МАМАЖОНОВ, «Ўзбекистон» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раҳбари:**

— Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни осон кечаётгани йўқ. Бу албатта, табиий. Ислоҳотлар туфайли рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликка интилишлар қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ана шу мушкулликларни ҳал этишда юртбошимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, бир қатор қонунларни амалиётда оқилона қўллаш ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Хусусан, мен республикамиз Президентининг «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони хўжаликлар, корхоналар, ташкилотлараро иқтисодий муносабатларни анча равон изга солиб юборганлигини қайд этмоқчиман.

Мазкур қарорга мувофиқ, «Ўзбекистон» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти, яъни бизнинг корхонамиз билан Аҳмад Яссавий номли ҳиссадорлик жамияти ўртасида шартнома тузилди. Шуни айтиш керакки, илгари ҳам корхоналар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари ўртасидаги бундай келишувлар мавжуд эди. Аммо уларни ҳаракатлантиришда томонлар зиммасида маъсулият етарли сезилмасди. Янгича талаб ана шу масъулиятни ҳис этиш мажбурийлигини таъминлади.

Биз хўжаликдан олинадиган пахта ҳосилининг қанчасини қайси навга топшириш, толаси қайси синфга мансуб бўлиши ва у қайси баҳода сотиб олинишини шартномада акс эттириб кутиладиган даромад ҳисобидан маълум фоизини хўжаликка ўтказиб бера бошладик.

Бу ҳужжат ўзаро иқтисодий муносабатларни жойидан силжитганича бор. Чунки, эндиликда шартномаларда бажарилажак ишларнинг муддати, миқдори, сифати аниқ белгилаб қўйилиши билан бирга, иккинчи томон айни тадбирларни бажармай қолса, фоизлар ҳисобида жарима тўлаши ҳам қатъий тайин этилди.

Масалан, Бу йил Яссавий номли хўжалик шартнома бўйича бизнинг корхонамизга биринчи навга 1984 тонна, иккинчи навга 941 тонна, учинчи, тўртинчи навларга 235 тоннадан пахта топширилиши шартлашилди. Биз ана шу маҳсулотларнинг тола синфларини ҳам аниқлаб, ҳосилга, навларига қараб 24 миллион 046 минг сўм, 7 миллион 736 минг сўм, 6 миллион 190 минг сўм миқдорида пул ўтказишга шартлашиб олдик. Маҳсулотнинг 25 фоизига аванс тариқасида пул ўтказиш бошлаб юборилди.

Тўлов интизомини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳужжат бизнинг манфаатимизни ҳам тўла акс эттирган. Хусусан, хўжалик сифатли, маҳсулотни ўз вақтида етказиб бериш мажбуриятини олар экан бизда пахтани қайта ишлаш, корхонамизда ишчиларнинг иш билан таъминланиши аниқ бўлиб қолади. Иккинчидан, бизнинг ҳам бундай сифатли маҳсулотни сотишдан моддий аҳволимиз, техник базамиз яхшиланиб бориши маълум бўлади. Ўртача маошлар кўпаяди, ойлик мукофотлар изчил бўлиб қолади. Янгича талаблар асосидаги шартнома томонларнинг ўз иш фаолиятидаги масъулиятини оширишдан ташқари меҳнаткашларга ойлик маошларини вақтида тўлаш учун шарт-шароитлар ҳам яратади.

### Бизга катта мадад бўлди

**Абдумажид МАШАҲАПОВ, Юқоричирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли ҳиссадорлик жамияти раиси:**

— Меҳнаткашларга маош бериш, хўжаликларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш юзасидан маълум даражада қийинчиликка дуч келиб турган пайтимизда Президентимизнинг «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бизга катта мадад бўлди. Мана, бир мисол: жамоа хўжалигимиз ғалла бўйича «Оҳангарондон» ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузди. Келишув ҳужжати асосида бу йил мазкур корхонага 2857 тонна дон етказиб берамиз. Шартномага кўра ҳар килограмм ғаллага 3 сўмдан пул тўланадиган бўлди. Фармон қувватини қарангки, шартнома имзолангандан кейиноқ корхона бизга аванс тариқасида 4 миллион сўм пул ўтказиб берди. Бу маблағ минерал ўғит, техника учун эҳтиёт қисмлар сотиб олиш, меҳнаткашларни моддий рағбатлантиришда бизга қўл келди.

Яна бир муҳим омил, шартнома масъулиятимизни кучайтирмоқда. Ўтган йили 1362 гектар майдонга ғалла экиб, суғориладиган ерлардан 3400 тонна дон етиштирган бўлсак, бу йил кўрсаткичларни яна ҳам оширамиз. Ҳар гектар майдондан 42-44 центнердан, адрликларда 19 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор. Кузда ғаллани ўз вақтида экиб олдик. Ҳозир майсалар гуркираб ривожланмоқда.

Шартнома ҳақида гап борар экан, Президентимиз бу борада Вазирлар Маҳкамасида шу йил 24 февраль куни бўлиб ўтган мажлисда жуда муҳим фикрларни қайд қилганликларини ҳам эътироф этмоқчиман. Дарҳақиқат, талаб ва таклифни ҳисобга олиб иш юритишгина касодга учрашдан, иқтисодиётга путур етказишдан сақлайди. Кам эҳтиёжли экинларни гектар-гектарлаб экиб, ернинг умрини бекор ўтказган, иқтисодий зарар кўрган хўжаликлар бўлган-ку, ахир. Афсуски, гоҳо бундай ҳоллар ҳамон учраб турипти.

Шу жиҳатдан олганда шартнома асосида фаолият юритиш, айни пайтда унинг бажарилишини таъминлаш нуқтаи назаридан тўлов интизоми ҳақидаги фармон меҳнаткашлар манфаатини кўзлаган энг долзарб ҳужжат сифатида катта аҳамиятга эга бўлди.

**Саидвали ҲАСАНОВ.**

## «ДИЛШОД» КЕНГАЙМОҚДА

***«Дилшод» кичик корхонаси ташкил топганда дастлаб уч киши иш бошлаган бўлса, эндиликда бу жамоада йигирма нафар одам меҳнат қилмоқда.***

Чиноз туманида бу каби кичик корхоналарнинг вужудга келаётганлиги бир томондан аҳолини иш билан таъмин этаётган бўлса, иккинчи томондан қишлоқ аҳлига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга кўмак бераяпти.

Илҳом Солиев бошчилик қилаётган «Дилшод» кичик корхонаси ишчилари ўтган йил мавсумида қурувчиларга йигирма минг дона шлакоблок тайёрлаб бердилар.

Тикувчилик цехининг Турғуной Иззатова, Дилфуза Мўминова, Мактуба Раҳматхўжаева каби чеварлари бежирим ва чиройли чойшаб-кўрпа, ёстиқ тайёрлашаяпти.

Кичик корхона жамоаси хизмат турини кўпайтира бориб, яқинда «Пахтаобод» маҳалласида автомобиллар ўриндиғига жилд тикиб берувчи янги цех очди.

**Ҳамроқул СУЛАЙМОНОВ.**

## ГУЗАРДА ИШИНГИЗ БИТАДИ

***ОДАМЛАРНИНГ оғирини енгил қилган, мушкулини осон этган кишиларнинг икки дунёси обод бўлгай, дейди халқимиз.***

Янгийўл туманидаги Ниёзбош қишлоғида Абдукарим ота Абдураҳмоновни ҳамқишлоқлари доимо эл хизмати билан яшайди, деб таърифлашади. «Намуна» маҳалласи оқсоқоли Абдукарим ота қишлоқ гузарини обод қилиш, қўшимча маиший хизмат биноларини қуришда ишбошилик қилмоқда. Бу ерда чойхона, тижорат ва гўшт, оптика дўконлари, алоқа бўлими ишлаб турипти. Ҳашар йўли билан қурилган алоқа бўлими хизматидан қишлоқ аҳли миннатдор. Гузарни келажакда янада кенгайтириш, бир қатор маданий-маиший шахобчалари очиш режалаштирилган.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.**

## ВИЛОЯТ, ШАҲАР, ТУМАН КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Халқ депутатлари Тошкент вилояти, шаҳар ва туманлар Кенгашларининг қўшма сессияси 1996 йил 12 апрель куни соат 11.00 да Юқоричирчиқ туманидаги «Ийк ота» жамоа хўжалиги маданият саройида чақирилади.

# ПИСКЕНТЛИКЛАР ҚОЛОҚЛИКДАН ЧИҚИШАДИМИ?

***Улар бу саволга энди бундай бўлмайди, деб жавоб беришмоқда***

ДАРВОҚЕ, уч-тўрт йилдан буён нега Пискент туманида пахта тайёрлаш режалари барбод бўлиб келяпти?

— Бунинг бир қанча сабаблари бор, — деди туман деҳқончилик саноат уюшмасининг раиси Рўзиқул Умаров, — аввало, мавжуд ишчи кучларидан унумли фойдаланилмади. Ҳар йили ҳам пахта йиғим-терими ниҳоятда чўзилиб кетиши сабабли далаларни шудгорлаш, дорилаш, ўғитлаш, кузги-қишки ишларининг кўп қисми кўкламга қолиб кетди. Минерал ва маҳаллий ўғитларни тайёрлаш ва далага чиқариш қониқарсиз бажарилди. Ариқзовурларни вақтида тозалашга етарли аҳамият берилмади. Ирригация, мелиорация ишлари талаб даражасида ўтказилмади. Оқибатда зовурлар тўлиб қолиб, сизот сувлари ер юзасига кўтарилиб кетди.

Техника учун эҳтиёт қисмларнинг йўқлиги сабабли энг долзарб пайтда кўпгина техника бекор туриб қолди. Айниқса, ёнилғининг танқислиги пахта йиғим-терими пайтларида ишнинг белига тепди.

Кўп хўжаликларда техникалар эскириб, янгиларини сотиб олишга қўл калталик қилди. Оҳангарон дарёсида сув камайиб, Ислиддин Ҳайдаров, Ҳакимполвон Қодиров номли, «Қирққизобод» жамоа хўжаликлари ғўзага ишлов бериш пайтларида сув танқислигидан қийналдилар. Булардан ташқари аксарият хўжаликларнинг раҳбарлари ташкилотчилик ишларини амалга оширмадилар.

У ёки бу хўжаликнинг ривожи ва мазкур хўжаликларда истиқомат қиладиган аҳолининг турмуш фаровонлиги, уларнинг ишга, меҳнатга бўлган иштиёқи, табиийки, кўп жиҳатдан раҳбарларга боғлиқдир. Афсуски, бу соҳада ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйилди. Айрим хўжаликларда кадрлар танлашда янглишилди. Масалан, ҳамиша илғор ва машъал бўлиб келган «Гулистон» жамоа хўжалигида, шунингдек, Ҳакимполвон Қодиров номли жамоа хўжалигида раҳбарлар тез-тез ўзгарди. Бу, албатта, умумий ишга салбий таъсир кўрсатди. Ташкилотчилик ишлари суст бўлди, жамоа аъзоларига иш ҳақи тўлаш анча кечикди. Буларнинг ҳаммаси пахта етиштиришни кўпайтиришга салбий таъсир қилди.

...Уюшма раиси айтган бу сабаблар, камчилик ва нуқсонлар ҳақиқатан ҳам юз берди. Майли, ўтган ишга салавот, энди ҳозирги пайтда нега бундай бўлди, бунинг учун ким айбдор, деб рўй берган аҳволни «икир-чикир»игача таҳлил этишнинг мавриди эмас. Энг муҳими ана шу камчилик ва нуқсонлардан қандай хулосалар чиқариб олинди? Қолоқликка барҳам бериш учун нима ишлар қилиняпти? Ана шу ҳақда мулоҳаза юритмоқ жоиздир.

Пискентликлар бу йил пахта топшириш режасини бажариш учун ҳозирги кунда қандай меҳнат қилмоқдалар?

Бу йил туман хўжаликлари давлат буюртмаси асосида 28 минг тоннадан ортиқ хом ашё етказиб беришга аҳд қилганлар. Бунинг учун камида 10 минг 680 гектар ерга чигит экилади. Ҳар гектаридан 26,3 центнердан ҳосил кўтариш мўлжал қилиб олинди. Бунинг учун имконият борми? Мана, баҳор келиб, чигит экишга ҳам киришилди. Пискентликлар бу мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишга шай турибдиларми?

Ангрен ва Олмалиқ сингари қўшни шаҳарлардаги оталиқ ташкилотлари ҳам бу йил ўз ёрдамларининг амалий бўлиши учун астойдил ҳаракат қилдилар. Уларнинг кўмаги ва мадади билан ўтган йил куз фаслидаёқ 20 дан ортиқ кучли тракторлар сафарбар этилди. Декабрь ойининг дастлабки ўн кунлигидаёқ 12 минг гектардан ортиқ ер майдонлари сифатли шудгор қилиб қўйилди ва бу билан уруғликни ўз вақтида экиб олиш ва тўлиқ ундиришга панд бераётган асосий камчиликнинг яна такрорланмаслиги учун замин яратилди.

Айни ерни шудгорлашдан олдин ҳар гектар майдонга ўрта ҳисобда 12—14 тоннадан гўнг солинди. Кўп хўжаликларда ерларга минерал ўғит солиш ишлари ҳам анча сифатли ўтказилди.

Деярли барча хўжаликлар учун етарли миқдорда уруғлик чигит ташиб келтириб қўйилди.

Тумандаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бу йил 1395 гектар ерга чигит экади. Хўжаликда, айниқса, ариқ-зовурларни тозалаш, янги сув йўлларини таъмирлаш ишлари уюшқоқлик билан ўтказилди. Февралдаги изғиринли совуқларга қарамай бу ишлар ниҳоятда жадаллик билан олиб борилди.

«Туркистон» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам янги мавсумни пухта тайёргарлик билан кутиб олмоқдалар. Хўжалик бошқарувининг раиси Жўрақул Отақуловнинг елиб-югуриши натижасида мавжуд 32 та экиш агрегатлари аъло даражада таъмирлаб қўйилган эди, ер етилиши билан экиш ишлари бошлаб юборилди. Деҳқонлар бу йил 760 гектар ерга барака уруғини қадайдилар.

Бундай уюшқоқлик ва ибратли ишларни Аҳмад Дўстбеков номли жамоа хўжалигида ҳам кўриш мумкин.

Биз хўжалик устахонасида бўлган пайтимизда таъмирловчилар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилганлиги, чигит экиш агрегатлари жуда эрта таъмирдан чиқарилиб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилганлигини кўрган эдик. Бу ерда пахта териш машиналари ҳам сифатли қилиб таъмирдан чиқариб қўйилди. Уруғлик чигит ҳам етарли миқдорда келтириб қўйилган.

— Ўтган йили туманда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарган эдик, — дейди жамоа хўжалиги раиси Бегимқул Дўстбеков. — Бу йил ҳам илғорликни қўлдан бермаслик учун ҳозирдан бошлаб ҳаракат қиляпмиз. Ялпи ҳосилни 3337 тоннага, ҳосилдорликни эса 26,7 центнерга етказишни мақсад қилиб олганмиз. Кузги ғалла экиш ишлари ҳам сифатли ўтказилган. 1106 гектар суғориладиган майдонга экилган ғалланинг ҳар гектаридан камида 35 центнердан ҳосил олишни мўлжалламоқдамиз.

Тумандаги Ҳакимполвон Қодиров, «Ўзбекистон мустақиллиги», Ислиддин Ҳайдаров номли, Алишер Навоий номли жамоа хўжаликлари ҳам қолоқликка барҳам бериш йўлида олиб борилаётган умумий курашда фаол қатнашиб, бу йил пискентликларнинг ёруғ юз билан режани бажаришларига ҳозирдан ҳисса қўшишга бел боғлаганлар.

Пахтачиликда туманнинг олдинги шуҳратини тиклаш йўлида олиб борилаётган бу ишлар ҳақиқатан ҳам ибратлидир. Муҳими, қаерга бормайлик, деҳқонларнинг кўтаринки руҳ билан, ўз мақсадлари йўлида ишонч билан меҳнат қилаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Барча хўжаликлардаги экин майдонларининг чеккалари, ариқ ва зовурларнинг бўйларидаги қийтиқ ерлар ҳам асосий экинзорларга қўшилиб сифатли ҳайдаб қўйилган. Демакки, гектарларнинг тўлиқ, кўчатларнинг бут бўлиши учун катта имкониятлар бор. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш, баракали хирмон уйиш пискентликларнинг бундан буёнги ғайрат-шижоатлари, олиб борадиган ташкилотчилик ишлари-ю, агротехника тадбирларининг қай даражада амалга оширишларига боғлиқ, албатта.

Лекин ҳал этилиши зарур бўлган, пискентликларнинг кучлари етмай турган вилоят миқёсидаги муаммолар бор. Масалан, деярли аксарият хўжаликларда қишлоқ хўжалик техникалари эскириб кетган. Уларнинг кўпи ўн-ўн беш йилдан буён ишлатилиб келинмоқда. Шубҳасиз, туман хўжаликларига янги техникалар ажратиш зарур.

Кўпчилик хўжаликларнинг механизаторлари ҳақли равишда таъкидлаётганларидек, айни терим авжига чиққанда ёнилғи танқислиги рўй бериб қолади. Бу камчиликнинг олдини олиш учун ҳозирдан бошлаб тайёргарлик кўриш керак. Пахта йиғим-терими пайтида деҳқонларнинг меҳнат ҳақларини ўз вақтида бериб туриш ҳам мутасаддиларнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигида бўлиши талаб этилади.

Айни ёз чилласида Оҳангарон дарёсининг суви деярли қуриб қолади. Бу эса тумандаги бир қатор хўжаликларда сув танқислигини келтириб чиқаради. Тўғри, ҳозир бунинг олдини олиш учун зарур чоралар кўрилмоқда. Жумладан, Оҳангарон тумани ҳудудида янги кичик сув омбори бунёд этилади. Аммо бу ҳам етарли эмасдек туюлади.

Яқинда бўлиб ўтган Республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида Президентимиз И. Каримов қишлоқ хўжалигидаги долзарб масалалар, муаммолар ҳақида тўхталиб, баҳорги экин-тикин ишларини муваффақиятли ўтказиш ва бунинг учун қандай тадбирларни амалга ошириш юзасидан тегишли маслаҳатлар, кўрсатмалар берди, мутасаддилар олдига бир қатор вазифалар қўйилди. Пахтакорлар учун янги имкониятлар яратилди.

Биз ўйлаймизки, пискентликлар ана шу кўрсатмалар асосида ишни ташкил этадилар. Бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш ва белгиланган режани, албатта, уддалаш учун бутун куч ва имкониятларини ишга соладилар. Бу йил пахтадангина эмас, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳам баракали ҳосил етиштириш, режаларини ортиғи билан уддалаб, бир вақтлардаги шуҳратларини тиклаш учун дадил қадам қўядилар.

**Мўмин ҚАЮМОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.**



Тошкент Давлат автомобиль йўллари институти профессори, математика фанлари доктори Муборак Тешабоева бўш вақтларида жамоатчилик асосида иқтидорли ёшлар билан иш олиб боради. У мактаб ўқувчилари билан математика фанини пухта ўрганиш, тафаккурни ривожлантириш бўйича шуғулланади. Бунинг учун олийгоҳ таҳсилхонасига маълум вақтларда ўқувчилар йиғилишади. Улар орасида турли мактабларнинг талабалари бор.

Суратда: профессор Муборак Тешабоева ўқувчилар даврасида.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

# БОШИДАН БОҚСАНГ БОР БЎЛАДИ...

***Вилоятимиз ғаллазорларида айни кунларда зироатчиликка оид қандай юмушларни амалга ошириш керак?***

*Олимлар шундай дейдилар*

Ғалла мустақиллигига эришиш, маълумки, иқтисодий мустақилликка эришишда ғоят муҳим омил ҳисобланади. Мустақил республикамизда бу масалани ҳал этиш мақсадида жуда катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент вилоятида ҳам эътиборга сазовор ишлар қилинаётир.

Ўтган йили вилоятда бошоқли дон экинларининг майдони 107,2 минг гектарга етказилди ва ҳар гектаридан ўртача 24,7 центнердан дон олинди. Суғориладиган майдонлардаги ҳосилдорлик эса 30 центнерни ташкил этди.

Бу йилги режалар янада юқори: вилоятда бошоқли дон ўсимликлари майдони 144 минг гектарга етказилди. Ҳосилдорликнинг 40-45 центнердан кам бўлмаслиги мўлжал қилиб олинди.

Лекин, бу ҳосилни олиш ва мўлжалланган режани бажариш учун айни кунларда кузги донли ўсимликларни тўғри парвариш қилиш, экинларнинг ҳолатига қараб табақалаб ишлов бериш, ўғитлаш ва суғоришни тўғри ташкил этиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Яхши биламизки, кузги буғдой белгиланган муддатларда экилган бўлиши керак. Агар суғориладиган ерларда кузги буғдой сентябрь ойининг охири, октябрь ойининг бошларида экилган ва экилганидан сўнг суғориш натижасида майсалар ундириб олинган бўлса, нур устига аъло нур. Сабабки, эрта экилган буғдой кузда майса ҳосил қилади, совуқ тушгунга қадар илдиз отиб улгуради. Натижада, совуққа чидамли бўлади. Шунинг учун ҳам кузги бошоқли дон ноябрь ойигача тупланган ва шу ҳолда қишловга кирган бўлиши зарур.

Лекин, ўтган йили кузда буғдой экиш муддатлари анча чўзиб юборилди. Тўғри, вилоятда белгиланган пайтда экилган буғдой майдонлари ҳам анчагина гектарни ташкил этди. Лекин, шу билан бир қаторда кечроқ экилган буғдойзорлар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Бунинг устига ўтган кузда ёғингарчилик кам бўлди. Кўпчилик хўжаликларда ноябрь ойида бўладиган ёғингарчиликларга умид боғладилар ва оқибатда буғдойзорлар суғорилмай қолди. Ана шундай майдонларда кеч кузда тушган ёғингарчиликдан сўнггина майсалар пайдо бўла бошлади. Баъзи майдонларда, айниқса, кеч кузда экилган буғдой майса отмади. Ҳарорат бирмунча кўтарилгандан сўнггина майсалар ҳосил бўла бошлади. Лекин, гап шундаки, уруғ узоқ муддат ерда ётиб қолса, униб чиқиш даражаси ҳам пасаяди. Шунинг учун ҳам уруғлик етарли меёрда сепилган бўлишига қарамасдан баҳорда униб чиққанда анча сийраклашиб қолган буғдойзорларборлиги кўзга ташланиб қолди.

Хўш, ғўзапоя оралиғига экилган буғдойзорларда аҳвол қандай?

Бундай ерларда ҳам униш жуда сийрак бўлган сабабки, уруғ экилгандан сўнг у яхши кўмилмаган, айниқса, ғўзапоя қаторларига тушган уруғ ер бетида қолиб кетган ва натижада улар майса бермаган.

Баҳорда ҳаво ҳарорати анча паст келди. Охирги қаттиқ совуқлар баъзи ерларда буғдой ўсимлигига таъсир кўрсатди. Ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши сусайди. Буғдойнинг ривожи олдинги йилларга нисбатан анча орқада. Шунинг учун ҳам айни кунларда кузги бошоқли дон экинларини парвариш қилиш бўйича амалга ошириладиган юмушлар, ўтказиладиган тадбирлар ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишини тезлаштириш, уларнинг ҳолатини яхшилаш ва мўлжалланган ҳосилни тўплаш ва ўз вақтида йиғиштириб олишга қаратилган бўлиши шарт. Қисқаси, ҳар бир далада ўсимликларнинг ҳолатига қараб парваришлашни табақалаб ўтказиш талаб этилади.

Айни дамларда амалга ошириладиган муҳим тадбирлардан бири — бу буғдойзорларни тўғри ва тез муддатларда ўғитлашдан иборатдир. Чунки кузги буғдой ернинг унумдорлигига талабчан бўлади. Режалаштирилган ҳосилни олиш учун солинадиган ўғитлар меёри агрохимия картограммаси маълумотларига асосан белгиланади.

Кузги буғдой ҳамма турдаги ўғитларга ҳам талабчан. У най ўраш ва бошоқлаш даврида азотни, ўсишининг дастлабки тўрт-беш ҳафтасида фосфорни ва ўсиш даврининг бошидан бошоқлар гуллагунга қадар эса калийли ўғитларни кўп талаб қилади. Фосфорли ва калийли ўғитлар ўсимликнинг қишга чидамлилигини оширган бўлади. Доннинг етилишини тезлаштиради. Поянинг ётиб қолишидан ва турли замбуруғ касалликларидан сақлайди. Агарда кўп миқдорда азотли ўғитлар солиб юборилса, тўпланиш муддати узайиб, қўшимча поялар сони кўпайиб, улардаги бошоқлар бир вақтда етилмайди.

Умуман, оладиган бўлсак, бериладиган ўғит миқдори режалаштирилган ҳосилга қараб ҳар хил бўлади. «Ўзагрокимёсервис»нинг агрокимё илмий марказа маълумотларига қараганда, гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш мўлжал қилинган бўлса, у ҳолда бир гектар майдонга 200 килограмм азот, 150 килограмм фосфорли ва 70 килограмм калийли ўғитлар берилиши керак. Кўрсатилган йиллик миқдордаги ўғитлар бир неча муддатларда, яъни экишдан олдин, экишдан кейин ва ўсимликлар ўсиш даврида берилади. Озиқлантиришни ҳозирги шароитда тез муддатда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ҳарорат кўтарилиши билан ўсимлик тез ўса бошлайди. Озиқлантиришда бериладиган ўғит миқдори кузда берилган ўғит миқдорига қараб белгиланади. Агар кузда ўғитлар мўлжалдаги миқдорда берилган бўлса, бундай майдонларга азот 150 килограмм, фосфор 70 килограмм, калий 30 килограмм солиниши керак. Бу ўғит миқдорини иккига бўлиб, икки марта озиқлантириш мумкин. Лекин, озиқлантириш икки марта ўтказилган тақдирда ҳам бу тадбир узоғи билан 15 апрелгача тамомланиши керак.

Озиқлантиришни тез муддатларда ўтказиш учун хўжаликдаги мавжуд машина-механизмлардан унумли ва оқилона фойдаланиш зарур. Бунда оддий ўғитлагич машиналаридан ташқари НРУ-0,5 мосламасидан ва Голландия маҳсулоти бўлган «Амазонка» ўғит солиш механизмларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Лекин, бериладиган бу ўғит миқдорини ҳам ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишига қараб табақалаштириб ўтказган маъқул. Гап шундаки, ўсимлик сийрак чиққан далаларга ортиқча азотли ўғит бериш керак эмас. Сабаби азот таъсирида ўсимликларда қўшимча поялар бир вақтда эмас, ҳар хил вақтда пайдо бўлади. Биринчи поялар бошоқ ҳосил қилиб, кейингилари бошоқ бермаслиги мумкин. Шунинг учун доннинг пишиб етилиши ҳам ҳар хил муддатларга тўғри келиб қолади. Бу ўз навбатида ўрим муддатини тўғри белгилашни мушкуллаштириб қўяди. Шунинг учун ўсимлик сийрак бўлишига қарамасдан азотли ўғитга ружу қўймаслик — кам берилиши маъқул ҳисобланади. Бундай далаларга фосфорли ўғитни кўпроқ бериш тавсия этилади. Ўсимликлар яхши ривожланмаган, майсалар ёш бўлган далаларни ёппасига озиқлантириб кўндалангига енгил бороналаш мумкин бўлади. Бунда, биринчидан, ўғит ерга кўмилиб кетади, иккинчидан эса ер бети юмшатилади. Ўсимликнинг илдиз бўғизи очилиб, яхши тупланади. Аммо бу тадбирни ҳам жуда қисқа муддатларда ўтказиш лозим.

Озиқлантиришдан кейин майдонларни суғориш керак. Кузги буғдойни ўз вақтида суғориш ҳосилдорликни оширишда катта аҳамиятга эгадир. Тупроқ, иқлим шароитига қараб экиш даврида берилган сувдан ташқари ўсимликларнинг ўсиш даврида икки-уч мартагача суғориш талаб этилади. Ерости сувлари юза жойлашган далаларда икки марта, чуқур жойлашган майдонларда уч мартагача суғориш фойда келтиради. Биринчи сувни айни кунларда, яъни ўсимликнинг тупланиш даврида озиқлантиришдан сўнг тезда ўтказиш зарур. Иккинчи сув ўсимликларнинг най ўраш, яъни тез ўсиш даврида, учинчи сув эса бошоқланиш бошланиши пайтида ўтказилади.

Суғориш меёри тупроқ шароитига қараб 700-800 куб метрдан 1000-1200 куб метргача бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, вилоят ғаллакорлари ҳозирги вақтда катта тажрибага эгадирлар. Халқимизда бошидан боқсанг бор бўлади, омад сенга ёр бўлади, деган нақл бор. Ана шу доно сўзларга амал қилиш, ҳар бир дала ҳолати, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига қараб, агротехник тадбирларни пухта ишлаб чиқиш ва бу тадбирларни ўз вақтида, меёрида, сифатли қилиб амалга ошириш мўл ҳосил гаровидир.

**Зуфар УМАРОВ,**
**қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.**
**Абдуҳаким АЛИМОВ,**
**қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент.**

*Юқоричирчиқ хабарлари*

## СОЗЛАБ ҚЎЙДИЛАР

Далаларда баҳорги ишлар кун сайин авж олмоқда. Чигит экишнинг бошлаб юборилишига ҳам саноқли кунлар қолаётир.

— Мўл ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан чигит экишнинг вақтида ва маромида ўтказилишига боғлиқ, — дейишди «Политотдел» ҳиссадорлик жамияти аъзолари, — шунинг учун ҳам, биринчи навбатда иш қуроллари соз қилиб қўйилган бўлиши керак. Бу жиҳатдан марказий трактор парки таъмирловчилари, тракторчиларига миннатдорчилик билдирса бўлади. Улар мавжуд 76 та чопиқ, ҳайдов тракторининг 64 тасини, 346 та тишли бороnанинг ҳаммасини, бошқа қишлоқ хўжалик техникаларини сифатли таъмирдан чиқардилар. Шунингдек, сабзавот ва маккажўхори экадиган сеялкалар ҳам мавсумга барвақт созланди.

Бунда Юсуф Серикбоев, Борис Ким, моторчи уста Михаил Дюгайларнинг ҳам хизмати катта бўлди.

**А. МАҚСУДОВ.**

## ЁРДАМИНИ АЯМАЙДИ

Деҳқонларнинг оғирини енгил қилиб, дала ишларини тезлаштиришга муносиб ҳисса қўшишни ўз бурчлари деб билган техника ихлосмандлари Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигида ҳам кўп.

Шулардан бири Ким Виссариондир. У ҳақда гап кетганда деҳқонлар оғизларидан бол томиб гапиришади.

— Хўб қўли гул йигит-да, ҳар бир ишни ўз вақтида бажаради. Кузда тракторимнинг тормози ишдан чиқиб қолувди. Виссарион уни дарров тузатиб берди. Ҳали-ҳали тиқ этмасдан ишлаб турипти...

Бундай илиқ сўзларни ҳар бир деҳқондан эшитиш мумкин.

Виссарион таъмирлаш мавсумида ҳамкасбларига ҳам астойдил ёрдам беради. Ўзига топширилган ишни бажариб бўлгач, ҳайдов, чопиқ тракторларини сеялка ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирдан чиқаришда уларга кўмаклашади, маслаҳатини аямайди.

— Сафимизда Виссарионга ўхшаган усталарнинг борлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз, — дейди хўжалик бош муҳандиси Роберт Николаевич Ан. — Мана, ҳозир экиш учун зарур техникаларимиз шай бўлиб турипти. Шу ҳақда ўйласам Виссарионнинг таъмирлаш пайтидаги жонкуярлиги кўз олдимга келади.

Айни кунларда хўжаликда йиғим-терим пайтида ишлатиладиган бошқа техника ва механизмлар ҳам мавсумга соз қилиб қўйилмоқда. Бунда ҳам Виссарион фаоллик кўрсатаётир.

**Нурали ЖОЛДАСОВ.**

## ҲАМ КЎЧАТ, ҲАМ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШАДИ

ОҲАНГАРОН. «Ангрен» ширкат жамоа хўжалигининг деҳқонлари бешта иссиқхонадаги помидор, булғор қалампири сингари кўчат ниҳолларини бир текисда ундириб олдилар.

Кўчатларнинг маромида етилишини куну-тун назорат қиляптилар. Бегона ўтлардан тозаламоқдалар. Кўчатчилар бригадасининг Ҳожар Эсонбоева, Жумадилло Убайдуллаев, Рисқи Темирова, Ойнур Теловбоевалар ширкат жамоа хўжалиги деҳқонларига дуркун кўчат етказиб бериш мақсадида яна 8 та иссиқхонага ўрта ва кечпишар сабзовот уруғларини сепиб қўйдилар. Шу билан биргаликда бригада жамоаси яхши даромад олиш, мўлкўлчиликни таъминлаш мақсадида 25 гектар майдонга буғдой сепиб қўйгандилар. Ниҳоллар бир текисда униб чиқди.

Шартнома асосида помидор, бодринг, кечки карам, ош лавлаги етиштиришга ҳам тараддуд кўриб қўйишган.

**Теша ШЕРАЛИЕВ.**



Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз маҳсулотларини республикамиз қишлоқ хўжалигига, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикаларига етказиб беради. 1996 йилнинг биринчи чорагида бирлашмада мингдан ортиқ ТТЗ-80, Т-28 серияли олти хил модификациядаги янги тракторлар ишлаб чиқариш кўзда тутилапти. Йил давомида эса 10 минг 500 дона ана шундай тракторлар тайёрлаш мўлжалланган.

Бирлашма қишлоқ хўжалиги учун унумли, арзон ва сифатли техникалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида. Шу мақсадни амалга ошириш учун яқинда Америка ва Англиянинг таниқли фирмалари билан қўшма корхона ташкил этишга киришилди. Бу қўшма корхона ишга тушгач, янги замонавий тракторлар ишлаб чиқариш янада тезлашади.

Суратда: бош конвейер йиғувчиси Расул Ҳакимов.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

# ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

***Болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва умуман бахтсиз фалокатларни камайтириш юзасидан ИИВ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси томонидан махсус буйруқ чиқарилган бўлиб, ДАН ходимлари ана шу буйруқ асосида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу соҳада жойлардаги халқ таълими бўлимлари, маҳалла оқсоқоллари, ота-оналар, педагогик жамоаларнинг ҳамжиҳатлиқда олиб бораётган ишлари анча ибратли бўлмоқда.***

***Навбатдаги тадбир Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 129-ўрта мактабда кенг жамоатчилик иштирокида бўлиб ўтди.***

*ДАН ва жамоатчилик*

— Кейинги пайтларда ҳамкорликда олиб бораётган ишларимиз натижасида болалар ўртасида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари, айниқса мана шу туманда, камайиб бормоқда, — деди йиғилганлар ҳузурида сўзга чиққан пойтахт ДАН бошқармаси тарғибот бўлими бошлиғи Азиз Эрназаров. — Лекин, афсуски, содир этилаётган бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг умумий сонидан келиб чиқадиган бўлсак, улар ҳали юқори даражада эканлиги аён бўлади.

Бугунги учрашувимизга маҳалла оқсоқоллари, тумандаги мактабгача тарбия муассасалари мудирлари, мактабларнинг директорлари ва бошқалар йиғилишган. Бундай тадбирни биз илк бор 1995 йили Яккасарой туманида ўтказган эдик. Маҳалла аҳли, ўқитувчилар, ЖЭКлар, ота-оналар билан олиб борилган биргаликдаги ишлар туфайли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди анча олинди.

1994 йили 687 та йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган бўлса, 1995 йилда эса бу рақам 664 тани ташкил этди, бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлган болалар сони 1994 йилда 53 та, 1995 йилда бу рақам 40 тани ташкил этди. Тан жароҳати олганлар 1994 йилда 667 тани, 1995 йилда эса 654 та бўлди. Маълумотларга қараганда, айниқса, ёш болалар йўл-транспорт ҳодисалари туфайли жароҳат олса, жамиятимизга салбий таъсир кўрсатар экан. Мана шундан ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг.

Тўғри, бизда ҳали ечимини кутаётган муаммолар оз эмас. Бундан олдинги суҳбатларимизда таъкидлаб ўтганимиздек, ҳануз болалар учун мўлжалланган зарур адабиётлар йўқ. ДАН ва халқ таълими томонидан тайёрланган услубий қўлланмалар асосидагина иш олиб боришга мажбур бўлаяпмиз.

Халқ таълими шаҳар бўлими бош бошқармасининг етакчи мутахассиси Мамасолиев Омон Чўлпонович ўз сўзида халқ таълими туман ва шаҳар бўлимлари, мактаблар ва ота-оналар жамоаси қандай ишларни олиб боришаётгани хусусида батафсил тўхталиб ўтди. Жумладан, ўтган йилги «Яшил чироқ-95» республика тадбири боғча, мактаб, туманлар ва вилоят шаҳарларида бошланиб, сўнгра республика миқёсида якунланди.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида янги қоидалар асосида 17 соатлик ўқув дастури ишлаб чиқилди. Бундан ташқари «Маҳалла» дастури ҳам мавжуд бўлиб, у республика миқёсида кенг ўрганилмоқда. Мазкур дастурда йўл ҳаракати қоидаларини болаларнинг онгига чуқур сингдириш кўзда тутилган. Кўпгина сўзга чиққан одамлар светофорларнинг яхши ишламаслиги, йўл белгилари хусусида ва ДАН бошқармаси билан Тошкент трамвай-троллейбус депоси ўртасидаги ҳамкорлик хусусидаги саволлар билан мурожаат қилишди. Светофор анжомларини республикамизда ишлаб чиқарадиган биронта ҳам корхона мавжуд бўлмаганлиги сабабли бу ишларда маълум узилишлар содир бўлиб турипти, дейилди берилган жавобда. Улар чет элдан валютага сотиб олинаётганлиги боис танқислик юз бераётир. Тошкент шаҳар ДАН бошқармаси ва ТТТБ ўртасида ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилганлиги, ҳар бир йирик автобус, трамвай, троллейбус паркларига ДАН ходимлари биркитилгани, ҳар ойда улар мунтазам равишда раҳбарлар ва ҳайдовчилар билан учрашувлар, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, техника назорати мавзуида суҳбатлар ўтказишмоқда. Учрашувда, шунингдек, қоидабузарларга шафқат қилинмаслиги, бунинг учун жамоатчилик ҳам ДАН вакилларига ўз вақтида ёрдам кўрсатишлари зарурлиги айтиб ўтилди.

Шу куни аҳолидан тушган кўпгина ариза ва шикоятлар маълумот учун қабул қилинди. Уларга ёзма равишда жавоб берилиши маълум қилинди.

Учрашувда иштирок этган Тошкент шаҳар ДАН транспорт воситаларини рўйхатга олиш бўлими бошлиғининг ўринбосари Баҳодир Сирожиддинов, ДАН йўл назорати бўлими бошлиғининг муовини Владимир Волков ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, қатор саволларга жавоб қайтаришди.

Йиғилишда шунга ўхшаш тадбирлар вақти-вақти билан ўтказиб турилса, фойдадан ҳоли бўлмаслиги алоҳида қайд қилинди.

Шу куни қатор оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва Тошкент шаҳар ДАН бошқармаси ходимлари билан матбуот йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда, жумладан, шу йил июль ойида нишонланадиган — ДАН ташкил этилганлигининг 60 йиллик тўйи хусусида гап борди. Оммавий ахборот воситалари ДАН ходимлари билан ҳамкорликда қатор тадбирларни амалга ошириш, юбилейни муносиб нишонлаш ҳақида келишиб олинди. ДАН ходимларининг олтмиш йилда эришган иш фаолиятини ёритишда тарихий фотосуратлар, ҳужжатлар, видеокинокассеталар мавжудлиги, матбуот ходимлари улардан бемалол фойдаланишлари мумкинлиги таъкидлаб ўтилди.

ДАНнинг олтмиш йиллик тўйи муносиб нишонланишига катта умид билдирилди.

**Миржалол МИРАЛИЕВ.**

